

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**АБДУВАЛИЕВА ДИЛНОЗА АКРАМОВНА**

**АЛИШЕР НАВОЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИ ЛЕКСИКАСИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Абдувалиева Дилноза Акрамовна**

Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси ..... 3

**Абдувалиева Дилноза Акрамовна**

Лексика исторических произведений Алишера Навои..... 21

**Abduvaliyeva Dilnoza Akramovna**

The lexis of Alisher Navoi's historical works ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 45

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**АБДУВАЛИЕВА ДИЛНОЗА АКРАМОВНА**

**АЛИШЕР НАВОЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИ ЛЕКСИКАСИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2017.1.PhD/Fil12 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Дадабоев Ҳамидулла Арипович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Аширбоев Самихон**  
филология фанлари доктори, профессор  
**Хусанов Нишонбой Абдусатторович**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация химояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.19.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_\_» соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади.  
(Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58. fax: (99871) 246-53-21; e-mail: [tdutau\\_nazorat@edu.uz](mailto:tdutau_nazorat@edu.uz).)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58.

Диссертация автореферати 2007 йил «\_\_\_\_» куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_\_» даги \_\_\_\_ рақамли реестер баённомаси).

**Ш.С.Сирожиддинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Ё.Р.Одилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

**Н.М.Махмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигига ҳар бир миллий тилнинг мумтоз намуналари бўлган қадимги ёзма ёдгорликлар тилини илмий асосда ўрганиш, уларнинг мазмунини бугунги авлодларга аслидагидек етказиш асосий вазифалардан хисобланади. Ҳар қандай тил ҳодисасини тарихий жиҳатдан ўрганиш, бирламчи манбаларга асосланиш, тил тараққиётининг турли даврларида яратилган ёзма ёдгорликлар тилини қиёслаш асосида улар орасидаги умумий ва фарқли хусусиятларни аниқлаш дунё тилшунослигидаги муҳим вазифалардан бири саналади.

Жаҳон филологиясида айни кунларда олиб борилаётган Алишер Навоий назмий ва насрий асарларини хорижий тилларга таржима қилиш ва нашр этиш, адаб ижодига мансуб қўлёзма манбаларнинг танқидий матнларини тайёрлаш, уларнинг лингвистик хусусиятларини очиб бериш борасидаги тадқиқотлар тилимизнинг жаҳон миқёсида ўз ўрни ва мақомига эришувига хизмат қилмоқда. Миллий тилшуносликда ҳам адаб ижодига мансуб тарихий асарлар сўз бойлигидаги лексик бирликлар тизимини тасниф ва таҳлил этиш тилимиз тарихий лексикологиясининг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги назарий билим ва дунёқарашларни маълум даражада такомиллаштиради, бу эса Алишер Навоий тарихий асарлари лексикасини тадқиқ қилиш заруратини юзага келтиради.

Мустақилликдан кейин илм-фаннынг барча соҳалари қаторида ўзбек тилшунослигига ҳам туб ўзгаришларга замин яратилди. Миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган тилимиз тарихи, хусусан, буюк мутафаккир Алишер Навоий қолдирган улкан маънавий меросни тилшунослик нуқтаи назаридан чуқурроқ тадқиқ қилишга киришилди. Бу ҳолатни кейинги йилларда ўзбек тили тарихини ўрганишга оид изланишларнинг янги босқичга кўтаришгани, Алишер Навоий асарларининг муайян тузатишлар билан қайтадан нашр этилаётгани, адаб қаламига мансуб асарлар қўлёзмаларининг танқидий матнлари тузилиб, илм аҳлига тақдим қилинаётгани, шоир ижодига оид турли лугатларнинг яратилаётгани, шунингдек, мутафаккир асарларининг лингвистик хусусиятларини ёритишга бағишлиланган тадқиқотларнинг кенг миқёсда олиб борилаётганида кузатиш мумкин. Шу билан бир қаторда, тилшуносликда Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ҳамда «Тарихи мулуки Ажам» каби тарихий асарлари лексикаси ҳозиргача монографик планда маҳсус ўрганилмаган. Айни дамда юртимизда «...матншунослик, адабий манбашунослик, тилшунослик, фалсафа, маданият тарихи соҳаларида миллий маданий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилаётгани»<sup>1</sup> бу борадаги илмий изланишлар кўламини янада кенгайтиришга асос бўлмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Давлат тили ҳакида»ги Қонуни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Алишер Навоий асарлари тилини ўрганиш узоқ тарихий жараён бўлиб, бу борада жаҳон миқёсида бир қатор изланишлар амалга оширилган. Жумладан, шоир қаламига мансуб «Мухокамат-ул лугатайн» ҳамда «Тарихи мулуки Ажам» асарлари илк бор 1841 йилда Э.Катремер томонидан Парижда нашр этилди. Жаҳон тилшуносарининг диққат марказида бўлган мазкур йўналишда туркология, хусусан, ўзбек тилшунослигига ҳам жиддий изланишлар олиб борилди. Шоир асарлари тил хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар кўлами ва миқдорининг кўплиги уларни алоҳида-алоҳида зикр этиш имконини бермасада, Б.Бафоев, Ҳ.Сулаймонов, П.Шамсиев, А.Ҳайитметов, Ғ.Абдураҳмонов, А.Рустамов, Э.Фозилов, С.Иброҳимов, А.Ғуломов, Ҳ.Дониёров, Ф.Абдуллаев, Э.Умаров, С.Аширбоев, М.Рахматуллаева, А.Каримов, И.Носиров, Л.Халилов, З.Ҳамидов, Н.Хусанов, Ш.Сирожиддинов ва бошқаларнинг навоийшуносликка қўшган салмоқли улушларини таъкидлаш зарур.

Шоир асарлари тилининг фонетик хусусиятлари ва грамматик структураси А.М.Шчербак, Ғ.Абдураҳмонов, А.Рустамов, Э.Фозилов, Б.Бафоев, О.Усмонов, У.Санақулов, Ф.Абдуллаев, С.Аширбоев, Б.Юсуфов ва ҳ.қ.ларнинг тадқиқотларида кенг ёритилган<sup>2</sup>. Шунга қарамасдан, уларни

<sup>2</sup> Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М., – Л. 1962; Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1984; Фозилов Э.И. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили. – Тошкент, 1969; Бафоев Б. Сложные существительные в лирике Алишера Навои: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1968; Усманов А. «Мухакамат ал-лугатайн» Алишера Навои. – Ташкент, 1948; Санакулов У. Исследование языка памятника XV века «Мухакамат ал-лугатайн» Алишера Навои: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971; Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрый асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ...дисс. автореф. –

Навоий асарлари тилидаги барча лингвистик ҳодисалар ҳамда уларнинг табиатини изоҳлашда етарли деб бўлмайди. Чунки Навоий тили бутун бир давр тили бўлиб, шоирнинг барча асарлари ўзига хос лингвистик, поэтик ва стилистик хусусиятлари билан ажralиб турадики, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида текшириш натижасидагина улуғ адаб асарлари, қолаверса, эски ўзбек адабий тилининг табиатини тўлароқ тасаввур этиш мумкин. Ўзбек тилшунослигида Навоийнинг юқорида номи қайд этилган тарихий асарлари лексикаси маҳсус ўрганилмаганлиги эса айни мавзууни монографик планда ўрганишни тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши ЖДПИнинг «Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишининг янги педагогик технологиялари» (2009-2014 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ҳамда «Тарихи мулуки Ажам» асарлари сўз бойлигини тарихий-этимологик, функционал-семантик ва семантик-стилистик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«Тарихи анбиё ва ҳукамо» ҳамда «Тарихи мулуки Ажам» асарларининг ўзбек адабий тили лугат таркиби тараққиётида тутган ўрнини аниқлаш;

ҳар икки асар лексикасининг тарихий-этимологик жиҳатларини очиб бериш;

ёдгорликлар сўз бойлигини генеалогик жиҳатдан ўрганиш натижасида XV аср учун характерли бўлган белгиларни аниқлаш ҳамда ўз ва ўзлашма қатламга доир лексемаларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш;

лексик бирликларни мавзуй гурухларга ажратган ҳолда тадқиқ этиш орқали сўзлар функциясининг тарихий тараққиётини очиб бериш;

асарлар лексикасининг семантик-стилистик хусусиятларини аниқлаш;

асарлар матнида қўлланган синонимик парадигма, омонимик қатор, антонимик уяларни аниқлаш, уларнинг ўзига хос услубий хусусиятларини очиб бериш;

ҳар икки асар тилида қўлланган сўзларнинг изоҳли лугатини тузиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ҳамда «Тарихи мулуки Ажам» асарлари танланган<sup>3</sup>.

**Тадқиқотнинг предметини** Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ҳамда «Тарихи мулуки Ажам» асарлари лексикаси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуслари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, тавсифий, анализ, чоғиштирма, ретроспектив (ўтмиш нуқтаи назаридан қараш) ва статистик таҳлил усусларидан фойдаланилган.

Тошкент, 1990; Юсуфов Б. Местоимения в староузбекском литературном языке (XV-XVI вв): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988. – С. 14-19.

<sup>3</sup> Навоий кулиёти, Сулаймония кутубхонаси, Фотих фондси, Истанбул, № 4056 инвентарь ракамли қўллэзманинг электрон микрофильми, Китоби тавориҳи анбиё (ТАҲ). – Б. 705а-728б.; Китоби тавориҳи мулук (ТМА). – Б. 729а-743б. (Кейинги фойдаланилган ўринлар сахифаси қавс ичida кўрсатилган).

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

тариҳий асарлар луғат таркибидағи ўз ва ўзлашган қатламга оид лексик бирликларнинг лингвостатистикаси аниқланган;

асарларда ишлатилган лексик қатламларнинг қадимги туркий тил, эски туркий тил ва ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати, лексемалар семантикасида содир бўлган маъно кенгайиши, маъно торайиши ҳодисалари мисоллар асосида очиб берилган;

тариҳий лексикологиянинг назарий қоидаларига таянган ҳолда тариҳий асарлар лексикасидаги турли мавзуий гурухларга оид лексик бирликларнинг кўлланиш доираси далилланган;

асарлардаги синонимларнинг ўз ва ўзлашган қатламга тегишли сўзлардан иборат эканлиги аниқланган;

«Тарихи анбиё ва ҳукамо» ҳамда «Тарихи мулуки Ажам»даги омолексемалар морфологик қурилиши жиҳатдан от+от, сифат+сифат, от+от+феъл, от+сон, от+сифат, от кўмакчи+феъл шаклларида воқелангани белгиланган;

асарлар матнидаги антонимик уяларга оид сўзларнинг лексик-семантик хусусиятлари очиб берилган;

тариҳий асарлар лексикасидаги полисемия ҳодисаси, асосан, от, феъл, сифат туркумларига оид лексик бирликлар доирасида рўй бергани ҳамда тасвир жараённида муаллифнинг, асосан, метафора, метонимия ва синекдоҳа каби маъно кўчиш усусларидан фойдалангани далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

Алишер Навоий тариҳий асарлари лексикасини тариҳий-этимологик, функционал-семантик ва семантик-стилистик жиҳатдан ўрганиш натижасида олинган хulosалар тил тарихи билан алоқадор лисоний ҳодисаларни шарҳлаш, лексемаларнинг маъно тараққиётини очиб бериш, адабий тилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларига хос хусусиятларни аниқлашга имкон бериши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

тадқиқот материалларидан тилшунослик илмида тариҳий лексикология ва терминологиядаги лексик-семантик жараёнларни янада чуқурроқ ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган;

тадқиқот натижалари асосида тузилган «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ва «Тарихи мулуки Ажам» асарлари тилида қўлланган сўзларнинг изоҳли луғати филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар, тадқиқотчилар ҳамда соҳа мутахассислари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ кўйилгани, ўзбек адабий тили тарихи, тараққиёт босқичларининг илмий асосда ёритилгани, «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ҳамда «Тарихи мулуки Ажам» асарлари лексикасининг диахрон ва синхрон аспектларда тадқиқ этилгани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг туркий тиллар, хусусан, ўзбек адабий тилининг шаклланиш ҳамда тараққиёт босқичлари хусусида мазкур соҳада

мавжуд фикр ва мулоҳазаларни муайян даражада ойдинлаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундан ўзбек тилининг тарихий лексикологияси ва тарихий грамматикасига оид дарслик ва кўлланмалар яратишда, изоҳли, этиологик, энциклопедик луғатлар тузишида, ихтисослик фанларини ўқитишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Алишер Навоий қаламига мансуб тарихий асарлар лексикасининг тарихий-этимологик, функционал-семантик, семантик-стилистик хусусиятларини очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

Алишер Навоийнинг тарихий асарлари лексикасида аниқланган ҳужжат билан боғлиқ тушунча номлари (*васиқат, нома, лойиҳа, мактуб, ҳужжат-ул ислом, аҳднома, сулҳ, қонун, васиятнома, насиҳатнома*) ва турларини таснифлашга оид назарий хulosалар Ф-1-136 рақамли «Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатларнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни (дипломатика, сфрагистика, палеография ва матн интерпретацияси масалалари)» (2012-2016) номли фундаментал лойиҳага татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 27 июлдаги ФТА-02-11/402-сон маълумотномаси). Илмий натижалар туркий тиллар тарихида амалда бўлган ҳужжатлар мазмунини тўғри талқин этиш, ҳужжат номларини қўллаш билан боғлиқ хатоликларни бартараф этиш имконини берган;

мумтоз ўзбек адабиёти вакиллари асарларининг қўлёзма нусхаларини тадқиқ этиш, Алишер Навоий асарлари архивини илмий тавсиф қилиш, нашрга тайёрлаш ҳамда чоп этиш, қўлёзма манбалар билан боғлиқ Навоий асарларида қўлланган лексик қатлам таҳлили бўйича маълумотлар тайёрлашда Ф1-ФА-055746 «Марказий Осиё халқлари қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивининг илмий тавсифи ва нашр қилиш» (2012-2016) фундаментал лойиҳасида тадқиқот хulosаларидан назарий манба сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 7 ноябрдаги ФТА-02-11/1033-сон маълумотномаси). Тадқиқотдаги Навоий тарихий асарлари («Китоби тавориҳи анбиё», «Китоби тавориҳи мулук», Сулаймония кутубхонаси, Фотих фонди, Навоий куллиёти, № 4056 инвентарь рақамли қўлёзма)дан олиниб таҳлилга тортилган мисоллар мазкур асарларнинг музей қўлёзмалар фондида сақланаётган бошқа нусхалари билан қиёсий ўрганиш имконини берган;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканалининг «Бир байт шарҳи» ва «Тил зийнати» каби телелойиҳаларини тайёрлашда тадқиқотда таҳлилга тортилган Навоий шоҳбайтларида тарихий давр рухини ифодаловчи тил бирликлари ва уларнинг этиологиясига доир изоҳлар, шунингдек, тарихий асарлар лексикасининг тарихий-этимологик, функционал-семантик аспектлардаги тадқиқи, адибнинг кўп маъноли сўзлар

(*tüz=*, *sal=*, *tart=*, *ilik*, *yïÿač*, *devär* ва ҳк.)дан фойдаланиш маҳорати, шоир қўллаган бир қатор лексемалар (*balala=*, *üzät=*, *bilik*)нинг эски ўзбек адабий тили давридаги маъно тараққиёти, шоир асарлари лексикасидаги ўз ва ўзлашган қатламнинг маъно хусусиятлари ҳақидаги илмий хуносалардан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканалининг 2017 йил 7 ноябрдаги 01-17/803-сон маълумотномаси). Натижада бу Навоий асарлари мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, ёшларнинг бу борадаги илмий билимларини оширишга хизмат қилган, кўрсатувнинг мазмуни янги манбалар билан бойиган ва илмий-оммабоплиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманида мухокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 31 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 159 саҳифадан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьект ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Алишер Навоий тарихий асарлари лексикасининг тарихий-этимологик таҳлили**»га бағишлиланган бўлиб, унда тарихий асарлар лексикасидаги туркий ва ўзлашма қатламга доир лексик бирликлар таҳлилга тортилган.

«Тарихи анбиё ва ҳукамо» луғат таркибida мавжуд (такрорларсиз) 3 047 та сўзнинг 748 таси туркий, 1756 таси арабча, 506 таси форсча-тожикча, 19 таси қадимги яҳудий, 9 таси юононча, 4 таси мўғулча, 1 таси санскритча, 2 таси урдуча, 3 таси сўғдча, 1 таси хитойча эканлиги аниқланди. «Тарихи мулуки Ажам» лексикасининг умумий микдори эса (такрорларсиз) 2 418 та сўздан иборат. Шундан туркий сўзлар 581 та, арабча сўзлар 1 188 та, форсча-тожикча сўзлар 601 та, қадимги яҳудий сўзлар 18 та, юонон тилига хос

сўзлар 13 та, мўгулча сўзлар 4 та, санскритча сўзлар 2 та, урдуча сўзлар 5 та, сўғдча сўзлар 2 та, хитойча сўзлар 2 та, грузинча сўз 1 та, арманча сўз 1 та.

Лингвостатистик таҳлил тарихий асарларда қўлланган сўзларнинг асосий қисми туркий қатлам ҳамда арабча ва форсча-тожикча ўзлашмалардан ташкил топганлигини кўрсатди.

Текширилаётган манбаларда ўзбек тилининг қадимги туркий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили давридаги лексик хусусиятлари акс этган. Ҳар икки асардаги туркий сўзларнинг асосий қисми ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланади. Асарлар тилида акс этган асл лексика қадимги туркий тил ва ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати нуқтаи назаридан ёритилди.

Тарихий асарларда нарса ва ҳодиса номларини ифодаловчи қадимги туркий тилга оид сўзларнинг аксарияти семантик ўзгаришларсиз қўлланган: *yumurtqa* – «тухум, мояк»<sup>4</sup>; *Iskandar javāb berdikim, ul yumurtqalarni qoyar quš učti* ... (ТМА 733a8); *künäs* – «куёш» (АНАТИЛ, II, 138); (ДТС, 327): *Anda oy xamīnī yetküürüb, künäsgä saldurdi* (ТМА 737a13,14); *iyä* – «эга, соҳиб» (АНАТИЛ, II, 14); (ДТС, 205): *Tegirmän iyäsi ... anī öltürüb, jihätin egällädi* (ТМА 742b7); *bürünčäk* – «юзга тутиладиган ипак парда» (АНАТИЛ, I, 338); (ДТС, 133): ... *aşa bürünčäk va čarx yibardikim, qilyan išiyya bu lāyiqdur* (ТМА 740b4).

Айни чоғда асарлар матнида қадимги туркий тилга хос айрим лексемаларнинг маъно кенгайиш ҳодисасига учраганлигини кузатиш мумкин. Масалан, қадимги туркий тилда *balala*= феъли «куш ва паррандаларнинг бола очиб кўпайиши» маъносини ифодалаган (ДТС, 80). Ушбу сўз қадимги туркий тилда *ba:la* тарзида талаффуз килинган от<sup>5</sup> га *-la*= феъль ясовчи қўшимчани қўшиш йўли билан ясалган бўлиб, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»ида *bala* сўзи «куш боласи»ни англатгани таъкидланган<sup>6</sup>. Навоий асарлари тилида эса *balala*= нафақат қуш, балки бошқа ҳайвонларнинг кўпайишига нисбатан ҳам қўллангани кузатилади: ... *anīj zamānida pil Hindistāndin özgä yerdä balaladī va ul ham yarib amr erdi* (ТМА 741a12).

Маълумки, арабча сўзлар эски ўзбек адабий тилида кенг қўлланган. Уларнинг ўзбек адабий тилига ўзлашиш омиллари тадқиқотларда ёритилган<sup>7</sup>. Хусусан, ТАҲ сўз бойлигига 1756 та арабча сўз мавжуд бўлиб, асар

<sup>4</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати (АНАТИЛ), I-IV. – Тошкент: Фан, 1983-1985. III том. – Б.584; Древнетюркский словарь (ДТС). – Л.: Наука, 1969. – С.280.

<sup>5</sup> Севорян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков (ЭСТЯ), I-III. – М.: Наука, 1974; 1978; 1980. II. – С.48.

<sup>6</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С.М. I-III. – Тошкент: Фан, 1960-1963.; III том, – Б.250.

<sup>7</sup> Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи масалаларига доир: Тил ва адабиёт институти асарлари. – Тошкент, 1949; Камол Ф. Ўзбек тили лексикаси. – Тошкент, 1953; Боровков А.К. Лексика среднеазиатского «Тефсира» XII-XIII вв. – М., 1963; Усмонов С. Ўзбек тилининг лугат составида тожик-форс ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. – Тошкент, 1968; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (Арабча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). – Тошкент: Университет, 2003; Ҳасанова Д. Арабча лугавий ўзлашмаларнинг ўзбек тили номинатив ва дериватив тизимидағи ўрни: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011.

лексикасининг 57%ини, ТМА матнида эса 1188 та арабча сўз қатнашган бўлиб, асар лексикасининг 49 %ини ташкил қиласди.

Асарларда XV аср ўзбек адабий тилида кенг қўлланган арабча ўзлашмалар акс этган бўлиб, улар турли мавзуй гурухларга оид воқелик, нарса-ҳодисалар номлари дир. Уларда қўлланган арабча сўзларнинг маълум қисми эски туркий тилда ҳам истеъмолда бўлган.

Арабча ўзлашмалар ўрганилаётган манбалар лугат таркибида, асосан, эски ўзбек адабий тили даврига хос маъноларда қўлланган.

«Кишиларнинг ягона тилда сўзлашиш, яхлит худудда истиқомат қилиш, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириш, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиш асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги» маъносидаги *millat* (ЎТИЛ, 2, 593) ўзлашмаси эски ўзбек адабий тилида 1. «халқ, миллат»; 2. «дин, мазҳаб» маъноларида қўлланишда бўлган (АНАТИЛ, II, 304). *Millat(in)* шаклига эга бу арабча сўз асли кўп маъноли *mallat* феълининг «бирбири билан бирлаштириди» маъносидан ясалган от бўлиб, аввал «дими бир кишилар» маъносини англатган, кейинчалик «тили, яшаш жойи, маданияти, урф-одатининг умумийлигига асосланувчи жамоа» маъносини англата бошлаган (ЎТЭЛ, 2, 267). Ўрганилаётган асарлар матнида бу ўзлашма «дин, мазҳаб» маъносидагина қўлланишда бўлган: *Va millatlari butparastliq erdi* (ТАХ 713b3); *Guştasp zardošt dīnin ixtiyār qilib, elni ham ul millatqa kiyürdi ...* (ТМА 731b29). Куйидаги жумлада *millat* сўзи *qabul qil*= қўшма феъли билан синтагматик муносабатга киришиб, «маълум бир динга эътиқод қилмоқ, шу динга кирмоқ» маъносини ифодалашга хизмат қилган: *Čin Qubād anīj millatin qabul qildi* (ТМА 739a25).

Асарлар лексикасидаги арабча ўзлашмаларнинг салмоқли қисми ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланади. Улар ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабатига кўра эски ўзбек адабий тили даврига хос маъноларда қўлланадиган арабча ўзлашмалар ва семантик ўзгаришлар билан қўлланадиган арабча ўзлашмаларга бўлиб таснифланди.

*Bisāt* – бу сўз кўп маъноли *basata* феълининг «ёйди» маъносидан хосил қилинган III боб масдари бўлиб, араб тилида «гилам» маъносини англатади<sup>8</sup>. Ҳозирги ўзбек адабий тилида «шахснинг, кўпинча, хотинларнинг ўзига тегишли бўлган тўплаб қўйган моли, мол-дунёси»<sup>9</sup> маъносини ифодалайди. Аммо эски ўзбек адабий тилида *bisāt* хусусий, яъни «гилам, палос» маъносида қўлланишда бўлган. Бунга асарларда келтирилган қуйидаги мажозий маънодаги шеърий мисрада гувоҳ бўламиз: *Faridunki ālamga yaydī bisāt ...* (ТМА 730a18). Навоий асарлари тилида ушбу лексема урдуча *šatranj* ўзлашмаси билан синтагматик муносабатга киришиб, «шахмат

<sup>8</sup> Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этиологик лугати (ЎТЭЛ). – Тошкент: Университет, 2000, I жилд. – 600 б.; II жилд, 2003. – 267 б.; III жилд, 2009. – 282 б. II жилд. – Б.76.

<sup>9</sup> Ўзбек тилининг изохли лугати (ЎТИЛ). 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд, 2006. – 680 б; 2-жилд, 2007. – 688 б; 3-жилд, 2007. – 688 б; 4-жилд, 2008. – 606 б; 5-жилд, 2008. – 592б.; 1-жилд. –Б.281.

тахтаси» маъносида ҳам қўлланган: *Ammā Šopur anī yangi boštīn šatranj bisātī vaz'i bilä ābādān qīldī* (ТМА 735b23). Ўзлашманинг бу маъноси ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилида кузатилмайди (ЎТИЛ, 1, 281).

Туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили билан форс-тожик тили орасидаги алоқа узоқ даврларга бориб тақалади. Тарихчи олимлар туркий қабилалар билан эрон тилларида гаплашувчи аҳоли орасида алоқалар антик даврда ҳам мавжуд бўлганлигини таъкидлайдилар.

Биз ўрганиш обьекти сифатида тадқиқ этаётган асарлар лексикасида форсча-тожикча сўзлар ўзига хос ўрин тутади. ТАҲ сўз бойлигига 506 та форсча-тожикча сўз мавжуд бўлиб, асар лексикасининг 17%ини, ТМА матнида эса 601 та форсча-тожикча сўз қатнашган бўлиб, асар лексикасининг 25 %ини ташкил қиласди.

ТАҲ ва ТМА матнидаги форсча-тожикча ўзлашмаларнинг муайян қисмини қадимги туркий тил ва эски туркий тилда фаол қўлланган лексемалар ташкил этади.

Эски туркий тилда «олий мартаба, унвон; рутба, маҳобат» маъноларида кенг қўлланган *jāh* (ДТС, 640) ўзлашмаси Навоий тарихий асарларида қуйидаги маънода ишлатилган: «мансаб, амал, мартаба»: *Adālat ücün istasä mulku jāh, Sitam daf' aylargä čeksä sipāh* (ТМА 742b11); «ҳаддан ташқари, ўтакетган, чегарадан чиққан, бениҳоя» маъносидаги арабча *mufrit* сўзи билан синтагматик алоқага киришиб, «буюклик ва шаън-шарафга ҳаддан зиёд ўчлик» маъносини ифодалаган: *Āqibat mufrit jāh yururi va azim davlat takabburi dimāyiğa fāsid xayāl sālib ...* (ТМА 729b13). Шунингдек, ушбу ўзлашма форсча-тожикча *dost* лексемаси билан қўшма сўз ҳосил қилиб, «мансабпаст» маъносини ифодалашга хизмат қилган: *Šāpur jāhdost va badgumān kiši erdi* (ТМА 735b29).

Статистик таҳлил ТАҲда қўлланган 506 та форсча-тожикча сўзнинг 413 таси, яъни 85%и, ТМАда қўлланган 601 форсча-тожикча сўзнинг 499 таси, яъни 83 %и ҳозирги ўзбек адабий тилида истеъмолда эканлигини кўрсатди. Асарларда ишлатилган форсча-тожикча ўзлашмалар, асосан, бир маънога эгалиги билан характерлидир.

ТАҲда ишлатилган 506 та форсча-тожикча сўзнинг 72 таси, яъни 15%ини, ТМА лексикасида истеъмолда бўлган 601 та форсча-тожикча ўзлашманинг 102 таси, яъни 17 %ини ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган сўзлар ташкил этади: *saxtiyān* (ТМА 730a5) – «эчки терисидан қилинган байроқ; эчки териси»; *xājasarāy* (ТМА 733a25) – «ахта киши, ҳарам қоровули»; *šikāf* (ТАҲ 724b5) – «ёриқ, дарз, чок, тешик» ва ҳ.к.лар шулар жумласидандир.

**«Алишер Навоий тарихий асарлари сўз бойлигининг функционал-семантик тадқиқи»** номли иккинчи бобда ТАҲ ва ТМАда қўлланган сўз бойлиги функционал-семантик жиҳатдан тадқиқ этилди. Асарлардаги сўзларнинг мавзуй гурухлари аниқланиб, уларнинг маъновий-вазифавий хусусиятлари ёритилди.

Ёдномаларда қўлланган лексик бирликлар қуйидагича таснифланган холда таҳлил қилинди:

- 1) тана аъзоларини ифодаловчи сўзлар (27 та): *qursay* (ТАХ 723a23) – «ошқозон, қорин», *aya* (ТАХ 722a12), *boyz* (ТАХ 725b29) ва ҳ.к.;
- 2) қариндошликни ифодаловчи истилоҳлар (23 та): *aşa* (ТМА 730a13), *ini* (ТАХ 712a4), *aya-ini* (ТМА 741b11), *egäči-siŋil* (ТАХ 724a12) ва ҳ.к.;
- 3) қуруқлиқдаги бирор географик объект ва маҳсус ўрин-жой номлари (8 та): *tay* (ТМА 729a21), *jibāl* (ТМА 737a19) – «тоғлар», *deh* (ТМА 729b7) ва ҳ.к.;
- 4) сув обьектлари ва улар билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлар (10 та): *bulay* (ТМА 730b4), *kāriz* (ТМА 730b4), *qīray* (ТАХ 716a13) ва ҳ.к.;
- 5) фасл ва вақтни ифодаловчи сўзлар (15 та): *kečä* (ТАХ 717a17), *küz* (ТМА 742b19), *sahar* (ТМА 738a23), *sabāh* (ТМА 741b22), *bahman* (ТМА 732b1), *navroz* (ТМА 729b12), *šavvāl* (ТАХ 707b1) ва ҳ.к.;
- 6) овчилик билан боғлиқ маъноларни англатувчи сўзлар (6 та): *oq* (ТМА 737b26), *av* (ТМА 734a26), *yo* (ТАХ 725a25), *šikār* (ТМА 734a26), *dām* (ТМА 736a24), *sayd* (ТМА 738a29);
- 7) металл ва маъдан номлари (7 та): *temir* (ТМА 729a17), *naft* (ТАХ 727a5), *mis* (ТАХ 713b13), *yaqut* (ТАХ 722a4), *almas* (ТАХ 722a4) ва ҳ.к.;
- 8) уруғ, қабила-элат номлари (12 та): *fārsiy* (ТМА 729b1), *qurayš* (ТМА 740a10), *qifčaq* (ТМА 739b29), *juhud* (ТМА 734b1) ва ҳ.к.;
- 9) от ва у билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлар (9 та): *at* (ТМА 733b5), *qoşqun* (ТМА 737b23), *na'l* (ТМА 742b9), *tavila* (ТМА 735a14) ва ҳ.к.;
- 10) ўсимликлар номлари (фитонимлар) (13 та): *savsan* (ТМА 735b25), *üzüm* (ТАХ 705a16), *arpa* (ТАХ 723a3), *buýday* (ТАХ 705a16), *hanzal* («итқовун») (ТАХ 728b10) ва ҳ.к.;
- 11) диний эътиқод билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлар (42 та): *kāhin* (ТМА 740a9), *ātaškada* (ТМА 738a11), *zardošt* (ТМА 737b22), *islām* (ТМА 741a23), *payyambar* (ТАХ 716a16) ва ҳ.к.;
- 12) осмон жисмлари номлари (астропонимлар) (8 та): *günäš* (ТАХ 711a1), *ay* (ТАХ 711a1), *māh* (ТМА 742b9); *Zuhal* (ТМА 733b24) ва ҳ.к.;
- 13) таом ва маҳсулот номлари (14 та): *čayir* (ТМА 738a7), *süt* (ТАХ 714a14), *yay* (ТМА 734a16), *suv* (ТМА 736b15), *un* (ТАХ 709a14), *tuz* (ТМА 739b17), *nān* (ТМА 735b1) ва ҳ.к.;
- 14) ип ва ип маҳсулотлари номлари (5 та): *ip* (ТМА 737a12), *ipäk* (ТМА 729b6), *boz* (ТМА 729b1) ва ҳ.к.;
- 15) майший лексика (17 та): *parda* (ТМА 732b18), *čādir* (ТМА 737b6), *farş* (ТМА 729a19), *mamuq* (ТАХ 714a6), *yoryučaq* (ТАХ 709a14) ва ҳ.к.;
- 16) касаллик номлари (10 та): *titratma* (ТАХ 718b29) – «безгак; қалтираш», *tāun* (ТАХ 720b27) – «ўлат, вабо», ва ҳ.к.;
- 17) кийим-кечак номлари (8 та): *dastār* (ТАХ 712a8) – «салла», *börk* (ТАХ 725a7) – «бош кийим; қалпок, телпак» (177) ва ҳ.к.;
- 18) табиий ҳодисалар номи (4 та): *yatyr* (ТАХ 705a10), *yayin* (ТАХ 707a21), *barq* (ТАХ 716a9), *yurub* (ТАХ 721a19);

19) нумеративлар (15 та): *bayza* (ТМА 732b25), *misqāl* (ТМА 732b25), *qariš* (ТМА 741a4), *oqča* (ТАХ 711a13), *diram* (ТАХ 725b25) ва ҳ.к.;

20) юқори лавозим, олий мансаб номини ифодаловчи лексемалар (19 та): *sultān* (ТМА 742b24), *xalifa* (ТМА 729a14), *fir'avn* (ТМА 730a23), *rāy* (ТМА 738b7) ва ҳ.к.;

21) муайян вазифа учун масъул шахс маъносини билдирувчи лексемалар (4 та): *ätkä* (TMA 733a25), *enägä* (TMA 733a25), *elči* (TMA 739a14), *qāzi* (TMA 734b24);

22) маданият, санъат ва илм аҳли номлари (11 та): *sāzanda*, *goyanda* – «қиссанында, афсона айтувчи, қўшиқ айтувчи, бахши», *raqqās* (ТМА 738b10,11), *miyanniy* (ТМА 741a10), *naqqās* (ТМА 738b10,11) ва ҳ.к.;

23) муайян хизматни бажарувчи шахсни ифодаловчи лексемалар (16 та): *Xānsälär* – «бош ошпаз, бош дастурхончи», *gāzur* –»кир юувчи», *mirāxur* (ТМА 735a12) – «подшоҳ отбоқарларининг бошлиғи, мирохурлик» ва ҳ.к.;

24) ҳарбий ҳаракатларда иштирок этувчи шахс маъносини ифодаловчи терминлар<sup>10</sup> (13 та): *nävkär* (ТМА 735a12), *sipāhsälär* (ТМА 730a25), *aduv* (ТМА 738a22), *yanīm* (ТМА 738a20), *yāyī* (ТМА 734a16) ва ҳ.к.;

25) қурол-яроғни ифодаловчи истилоҳлар (11 та): *pīčaq*, *habba*, *harba*, *qalqan*, *sinān* (ТМА 729b6); *manjanīq* (ТМА 740a16) ва ҳ.к.;

26) ҳарбий ҳаракатлар, тактик усулларни ифодаловчи терминлар (10 та): *šabixun* (ТМА 738a15) – «кечаси тўсатдан қилинадиган ҳужум; ғорат, талонтарож», *yaraš* (ТМА 742a4), *musāliha* (ТМА 742a3) – «келишув сулҳи тузиш, ярашиш» ва ҳ.к.;

27) ҳарбий иншоотлар номини билдирувчи терминлар (8 та): *zindān* (ТМА 736a12), *hibs* (ТМА 731a29), *qoryan* (ТАХ 708a10), *hisār* (ТМА 741b2) ва ҳ.к.;

28) ҳарбий ҳаракатларни ифодаловчи терминлар (15 та): *azimat qīl=* (ТМА 730b7) – «қўшин тортиб бормоқ, юриш қилмоқ», *yaray qīl=* (ТАХ 712b2) – «ҳарбий ҳаракатларга, жангга ҳозирлик кўрмоқ» ва ҳ.к.;

29) ҳарбий ишора мақсадида қўлланган восита номлари (3 та): *alam* (ТМА 730a5), *livā* (ТМА 742b5), *darafš* (ТМА 730a10) – «байроқ, түғ, ялов»;

30) маъмурий-ҳудудий қурилишни ифодаловчи терминлар (12 та): *vilāyat* (ТМА 731a15), *diyār* (ТМА 733b5), *zamin* (ТМА 731b5), *kend* (ТМА 737a20) ва ҳ.к.;

31) антропонимлар (481 та): *Bayri* (ТМА 733a6), *Uyyur* (ТМА 734a23), *(Abut) Türk* (ТАХ 706b16), *Ibrāhim* (ТАХ 707a13), *Ilyās* (ТАХ 712b18) ва ҳ.к.;

32) топонимлар (133 та): *Xurāsān* (ТМА 738a18), *Yaman* (ТМА 739b1), *Mayrib* (ТМА 730a11), *Türkistān* (ТМА 730a11), *Čin* (ТМА 730a12) ва ҳ.к.;

33) оронимлар (7 та): *Alburzkoh* (ТМА 730b28), *Qāf* (ТМА 737a23), *Abul Qays* (ТАХ 705b13), *Judi* (ТАХ 706b8), *Tur-i Sinā* (ТАХ 714b12), *Minā* (ТАХ 710a6) ва ҳ.к.;

<sup>10</sup> Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991. – С.45.

34) гидронимлар (9 та): *Firāt* (ТМА 740b24), *Amu Jayhun* (ТМА 730b26), *Dajla* (ТМА 734a12), *Sind* (ТМА 738b8), *Sāva* (ТМА 740a8) ва ҳ.к.;

35) зоонимлар<sup>11</sup> (36 та): *bars* (ТМА 729a18), *it* (ТАХ 709a18), *tülkü* (ТМА 729a20), *at* (ТМА 733a1), *raxš* (ТМА 736a28), *karkidān* (ТМА 731b17) ва ҳ.к.;

36) дунё ва уни яратувчи ҳақидағи тасаввурлар билан боғлиқ лексик бирликлар (22 та): *ālam* (ТАХ 720b25), *dunyā* (ТМА 734a6), *fanā* (ТМА 742a4), *tājri* (ТМА 735b13), *ezid* (ТМА 733b24), *yazdān* (ТАХ 719a14) ва ҳ.к.;

37) инсоннинг орзу-ўйлари билан боғлиқ тасаввурларни ифодаловчи лексемалар (10 та): *armān* (ТМА 730a16), *havas* (ТМА 734a11), *xayāl* (ТМА 741b26), *xayālāt* (ТМА 731a20), *xātir* (ТМА 734a4) ва ҳ.к.

Шунингдек, мазкур бобда юқоридағи мавзуий гурухларга мансуб лексик бирликларнинг лексик-семантиқ табиати ёритилди.

Жумладан, асарлар матнида олий мансаб, юқори лавозим тушунчасини ифодаловчи *xalifa*, *fir'avn*, *rāy*, *haqan*, *xan*, *qaysar*, *śāh*, *śahanśāh* каби терминлар «хұқуқи чекланмаган ҳоким, мутлақ ҳукмдор» интеграл сема<sup>12</sup>си билан бир семантиқ гурухға бирлашса, «турли миллат ва мамлакатга мансуб салтанат бошлиғи» каби дифференциал сема<sup>13</sup>си билан бир-биридан фарқланади. «Мусулмонлар жамоаси ва мусулмон давлатининг диний ва айни пайтда дунёвий бошлиғи; рухоний ҳукмдор» маъносидаги *xalifa* (ЎТИЛ, 4, 379) термини Навоий асарларида «подшох, халифа» ҳамда «ўринбосар» маъноларида учрайди. Ушбу истилоҳ VII-VIII асрларда араб истилоси натижасида пайдо бўлган Араб халифалиги ва унинг таркибиға кирган давлатлардаги ҳукумат бошлиғига нисбатан қўлланган. ТМА матнида ҳам айни маънода ишлатилган (ТМА 729a14). «Қадимги Миср подшоҳларининг унвони, фахрий номи»ни билдирувчи *fir'avn* (ЎТИЛ, 4, 349) термини Миср подшоҳларининг олий унвони сифатида қайд этилган (ТМА 730a23). Эски ўзбек адабий тилида «Ҳиндистон ҳукмдори» маъноси *rāy* истилоҳи билан англашилган. Қайд этилган маънони Навоий айни мана шу термин билан ифодалаган (ТМА 738b7). Қадимги туркий тилда *qayṣar*<sup>14</sup>, эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тилида *haqan* фонетик шаклида ишлатилган термин «Туркистон ҳукмдори» маъносини ифодалаган. Ушбу истилоҳни муаллиф Чин (Шарқий Туркистон) ҳукмдорига нисбатан ҳам қўллайди (ТМА 739b9). «Туркий ва мўғул халқлари ҳукмдорлари унвони» маъносидаги *xan* (ЎТИЛ, 4, 410) истилоҳи «хон, султон, амир; Хитой ва Туркистон подшоларининг унвони»<sup>15</sup> эканлиги қайд этилган. Навоий ушбу терминни Даشتி Қипчоқ ҳукмдорига нисбатан қўллайди (ТМА 740a14). Византия императори Шарқда қайсар (<цезарь>) истилоҳи остида машҳур бўлган. Кейинги даврларда *qaysar* термини турк султонларига нисбатан ҳам ишлатилган. ТМАда қайд этилган

<sup>11</sup> Абдушукуров Б.Б. XI-XIV аср туркий ёзма манбалар тилидаги зоонимлар: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1998. – Б.15-16.

<sup>12</sup> Миртоҗиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2010. – Б. 54.

<sup>13</sup> Миртоҷиев М. М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2010. – Б.56.

<sup>14</sup> Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент, 1991. – С.61-62.

<sup>15</sup> Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент, 1991. – С.62.

бу истилох «Кичик Осиё» (Рум) ҳукмдорини англатган (ТМА 737a5). *Šāh* (ТМА 729a14), *šahanšāh* (ТМА 736a25), *pādšāh* (ТМА 729a14) каби истилоҳларнинг асарларда ишлатилиши юқоридагилардан фарқли бўлиб, ушбу форсча-тожикча терминлар, асосан, Форс (Эрон) ҳукмдорлари ҳақидаги тарихий воқеалар баёнида қўлланган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Алишер Навоий тарихий асарлари лексикасининг семантик-стилистик хусусиятлари**» деб номланиб, мазкур бобда асарлар лексикасининг ўзига хослигини таъминловчи лингвистик омиллардан синонимик парадигма, антонимлар, омонимлар, полисемантик сўзлар ва уларнинг услубий хусусиятлари таҳлил қилинди.

Навоий ТАҲ асарига нисбатан ТМАда маънодош сўзлардан унумлироқ фойдаланган. Тадқиқ қилинаётган манбаларда қўлланган синонимик қаторлар семантик, даражаланиш ва генеалогик тамойилларга кўра таҳлил қилинди.

ТАҲ тилида «одамнинг бош терисида ўсадиган қил толалар қопламаси» маъноси (ЎТИЛ, 3, 557) ўзбекча *sac* ва форсча-тожикча *gisu* мутлоқ синонимлари воситасида намоён бўлган: *Agar gisulariñni kesib, täňä bersäňkim sacimgä uläsäm, tunča bahäsün berurmän* (ТАҲ 713a14).

Тарихий асарлар матнида «худо, яратувчи, тангри» маъноси турк (эски ўзбек)ча *teyri* (ТМА 729b 24), арабча *ilāh* (ТАҲ 713b7) – *xāliq* (ТАҲ 718b29) – *haq(q)* (ТАҲ 719a15) – *allāh* (ТАҲ 706b24), форсча-тожикча *xudāy* (ТМА 742b21) – *yazdān* (ТАҲ 719a13) – *parvardigār* (ТАҲ 708b13) каби лексемалар ёрдамида ифодаланган. Саккиз сўздан иборат ушбу маънодошлиқ қаторидаги эски ўзбек тили даврига келиб архаик тус ола бошлаган *yazdān* лексемасидан муаллиф услубий восита сифатида фойдаланади: *Har kimni xalās qilsa eldin yazdān, Ne taŋ aŋa umrī abadiy bolsa nihān* (ТАҲ 719a13). Кузатишлар тарихий асарлар сўз бойлигига ушбу маънодошлиқ уясига тегишли *yazdān* лексемасининг энг кам (1 марта), *haq(q)* лексемасининг эса ўта фаол (91 марта) қўлланганлигини кўрсатди.

Тадқиқ этилаётган манбаларда синонимия турли қатлам лексемалари доирасида юзага келган.

